ЭРТАГА ҚУРУВЧИЛАР КУНИ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

9 4-йил чиқиши АВГУСТ 1969 й. ШАНБА № 185 (949) БАҲОСИ 2 ТИЙИН

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ТОШКЕНТНИ БУТУН МАМЛАКАТ ҚУРМОҚДА

1966 ЙИЛ

ЗИЛЗИЛАДАН **2.000.000** КВАДРАТ МЕТР УЙ-ЖОЙ ШИКАСТЛАНДИ

Уч йил мобайнида қурилди:


2.800 МИНГ КВАДРАТ МЕТР УЙ-ЖОЙ;

1.000.000 КВАДРАТ МЕТРДАН КЎПРОҚ ЯНГИ ҚУРИЛГАН УЙЛАР ҚАРДОШ РЕСПУБЛИКАЛАР ҚУРУВЧИЛАРИ ТОМОНИДАН ТИКЛАНДИ.

9,5 МИНГ ЎРИНЛИК БОЛАЛАР БОҒЧА ВА ЯСЛИЛАРИ;

40 МИНГ ЎРИНЛИК МАКТАБ;

ЮЗЛАБ МАДАНИЙ-МАИШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ОБЪЕКТЛАРИНИНГ ЯНГИБИНОСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛДИ.



Рассом Г. Шевяков чизган.

Бунёдкорлар байрами

Г. САРКИСОВ,
Тошкент шаҳар ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари.

Бинокорлар байрами мамлакатимизда умумхалқ байрами бўлиб қолди. Чунки бепоён ватанимизнинг барча бурчакларида уй қураётган, шаҳар ва қишлоқлар барпо этаётган кишиларни учратиш мумкин. Уларнинг ҳар бири ғурурланиб шундай дейишга ҳақли: «Биз бинокорлар — жаҳондаги энг оссиишта касб эгаларимиз».

Тошкент қурувчилари катта жасорат кўрсатдилар. 1966 йилнинг 26 апрели шаҳримизга қандай талофат етказганини кўз олдимизга келтирайлик. Аммо биз биринчи куниёқ кишиларимизнинг қалб қўрини ҳис этдик. Ер силкиниб, деворлар сири кўчганда ва қулаганда бизга ёрдам бериш учун самолёт ва поездларда таниқли монтажчилар, мастерлар, сувоқчилар келишди. Шаҳарни қайта тиклашда иштирок этиш истагини билдиришди.

Бутуниттифоқ ҳашари Тошкентда шундай бошланди.

Ўзбекистон пойтахтини тиклаш ва қайтадан қуришдек қаҳрамонона минг кун орқада қолди. Уч йил ичида қурилган бинолар кишини ҳайратга солади. Зилзиладан сўнг шаҳарда икки миллион квадрат метрдан кўпроқ уй-жой шикастланди. Унинг ўрнида икки миллион саккиз юз минг квадрат метр ҳозирги замон шинам уйлари қурилди. У уйларнинг бир миллион квадрат метрдан кўпроғини Москва, Ленинград, РСФСР, Украина, Қозоғистон, Белоруссия, Грузия ва бошқа қардош республикаларнинг қурувчилари Тошкентга тортиқ қилишди. Шаҳарни тиклаш ва қайта қуришда Ўзбекистон областларининг қурувчилари ҳам салмоқли ҳисса қўшдилар. Совет Армиясининг олтин қўллари билан қиска муддат ичида йўлдош шаҳар — Сергели барпо этилди.

Биз тошкентликларга кўрсатилаётган биродарлик ёрдамида мамлакатимиз халқларини ягона оилага бирлаштирган Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг миллий сиёсати тантанаси ўз ифодасини топди. Тошкентга биринчи келган куниёқ қурувчилар Ўзбекистон диёрида меҳнат жасорати ва юксак маҳорат кўрсатдилар. «Главташкентстрой» шаҳар лойиҳа институтлари, қурилишмонтаж ва бошқа махсус қурилиш ташкилотларининг мутахассислари шаҳримиз мамлакатдаги энг гўзал шаҳарлардан бири бўлиши йўлида катта ҳисса қўшдилар. Уч йил мобайнида шаҳар «Главташкентстрой» трестлари ва ихтисослашган қурилиш ташкилотларидан 1 миллион 200 минг квадрат метр янги уй-жой, 40 минг ўқувчига мўлжалланган мактаб, 9,5 минг ўринли болалар боғча ва яслилари, юзлаб маданий-маиший хизмат кўрсатиш муассасалари биноларини қабул қилиб олди. «Россия» меҳмонхонаси, Ҳамза номли театр, шарқшунослик институти сингари кўпгина ажойиб биноларни фойдаланишга топширилди.

7-«Мостстрой» трестининг коллективи янги кўприклар, ер ости йўллари қурди. «Средазтранcsстрой» коллективи тошкентликларга ажойиб яхмалак, янги темир йўл вокзали, «Главпочтамт»нинг кўп қаватли биносини тортиқ қилади.

Чкалов номли завод капитал қурилиш бош бошқармасининг кўли гул усталари, шунингдек Тошкент шаҳар ижроия комитети ободончилик бош бошқармасининг ходимлари ҳам шаҳарни қуриш ва ободонлаштиришда катта ҳисса қўшдилар.

Ватанимиз бинокорларининг хизматига катта баҳо берди. Зилзила оқибатларини тугатиш ва биродарларча ёрдам кўрсатишда ғайрат қилганликлари учун СССР Олий Советининг 1969 йил 10 июндаги Фармони билан ишда намуна кўрсатган кўпгина ишчилар, инженер-техник ходимлар ҳамда иттифоқдош, автоном республикалар, ўлка, область, шаҳарлар қурилиш-монтаж ташкилотларининг ҳизматчилари орден ва медаллар билан мукофотландилар.

Бугун, бунёдкорлар кунида биз «Сибстальконструкция» трестининг бригада бошлиғи А. С. Авакумовни, Подмосковье қурилиш-монтаж поездининг дурадгори В. И. Воробьёвни, 1-Тошкент уйсозлик комбинати бетончилар бригадаси бошлиғи К. Исоқов, «Главмосстрой» суворчиси Н. Лагутеева каби ишчиларни мамлакат олий нишони — Ленин ордени билан мукофотланганлиги муносабати билан, шунингдек бошқа ҳукумат мукофотига сазовор бўлган кишиларни табриклаймиз.

Тошкент минглаб механикашлар учун қурилиш маҳорати университети бўлиб қолди. Иттифоқдош республикалар вакиллари ва Тошкент қурувчилари бир-бирларидан энг яхши тажриба, илғор иш методларини ўрганишди.

Бундан бир неча йил муқаддам Ҳиндистон ва Покистон ўртасидаги ҳарбий можарони тўхтатиш ҳақидаги тарихий Декларацияга имзо чекилганда, шаҳримиз Тошкентни ҳамма Тинчлик шаҳри деб атар эди. Табиий офат оқибатларини тугатиш эса Тошкентни Дўстлик ва қардошлик шаҳри деб аташ ҳуқуқини берди. Чунки у мамлакатимиз халқларининг кучи билан қайтадан тикланди.

Тошкент қурувчилари ўз байрамларини юксак меҳнат муваффақиятлари билан кутиб олишмоқда. Улар Владимир Ильич Ленин туғилган куннинг 100 йиллиги шарафига ўз зиммаларига оширилган янги мажбуриятлар олдилар. Мамлакатимиздаги барча халқлар сингари шонли шаҳримиз меҳнаткашлари ҳам зарбдор вахтада туришибди.

Уларга янгидан-янги муваффақиятлар тилаймиз.

ЛЕКТОРЛАР ҚУРУВЧИЛАР ОРАСИДА

Ленинча ўқув

Бугун шаҳримизни н г кўпгина қурилиш ташкилотларида бинокорлар кунига бағишланган «Ленинча ўқув» ўқишлари бўлиб ўтди.

«Главташкентстрой»га қарашли «Отдельстрой-2»нинг 29-30-31-қурилиш бошқармаларида эса «Ленинча синов»нинг иккинчи этапи бошланди.

Бу бошқармаларда трест лекторларидан С. Фозилов, П. Сливченко, И. Валд, Г. Гозневалар В. И. Ленинниинг «Советлар ҳокимиятининг навбатдаги вазифалари», «Коммунизмда болаларча сўлик касали», «Кооперация тўғрисида», «Давлат ва революция» номли машҳур асарларини ўқиб бердилар.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

◆ Бухарест, РКП X съезди ўз ишини давом эттирмоқда. 7 август эрталабки мажлисда қисқача танаффусдан кейин раислик қилувчи РКП Марказий Комитети ижроия комитетининг аъзоси Г. Стойка КПСС делегациясининг бошлиғи, КПСС Марказий Комитетининг секретари К. Ф. Катушевга сўз берди.

К. Ф. Катушев ўз нутқининг охирида КПСС Марказий Комитетининг РКП X съездига табрикномасини ўқиб берди.

◆ Чехия социалистик республикаси йигит ва қизларини бирлаштирган ташкилот — ёшлар союзи делегациясининг Совет Иттифоқига қилган визити тугади.

◆ Космик тадқиқотлар программасига мувофиқ 1969 йил 8 августда Совет Иттифоқида кучли учирувчи ракета ёрдами билан «Зонд-7» автомат станцияси учирилди. Координациялаш - ҳисоблаш марказ олинаётган ахборотларни ишлаб чиқишга киришди.

ЯНГИ КАФЕДРАЛАР

Тўқимачилик институти энди тўқимачилик ва енгил саноат институти деб аталадиган бўлди. Шу муносабат билан бу олий ўқув юртида енгил саноатга оид ихтисосликлар бўйича ҳам машғулотлар олиб борилади.

Янги ихтисосликларни жорий этиш соҳасида дастлабки тадбирлар амалга оширилди. Трикотаж саноати бўйича тайёрлаб чиқариладиган мутахассис кадрларга пухта билим беришни таъминлаш мақсадида трикотаж ишлаб чиқариш деган янги кафедра ташкил этилди.

Бундан ташқари ҳисоблаш математикаси кафедраси ҳам очилди. Бу янги кафедралар ихтиёрида келгусида ихтисослаштирилган лабораториялар ҳам иш олиб боради.

Секретарлар кенгаши Кеча

А. НАБИЕВ НОМИДАГИ ПИОНЕРЛАР ЛАГЕРИДА ПОЙТАХТ ОБЛАСТЬ МАКТАБЛАРИ КОМСОМОЛ КОМИТЕТЛАРИ СЕКРЕТАРЛАРИН И Н Г СЕМИНАРИ БОШЛАНДИ.

Бир ҳафта давом этадиган бу семинарда мактаб комсомол ҳаётига доир бир қанча қизиқарли масалалар кўрилади, ўзаро фикр алмашишади.

«ДИЛНАВОЗ» САФАРДА

Тошкент Давлат университетининг студентлари учинчи меҳнат семестрини жойларда ишлаш билан ниҳоятда кўнгилли ўтказмоқдалар. Кунн-кеча Калинин районидаги «Назарбек» совхозида жавлон уриб меҳнат қилаётган ҳимия факультети студентлари ҳузурида университетнинг «Дилнавоз» студентлар ансамбли меҳмон бўлди. Ансамблнинг хушовоз хонандалари ва дилбар раққосалари ижро этган куй, қўшиқ ҳамда ўйинлар студентлар ва қишлоқ аҳлига манзур бўлди.

М. ОБИДОВ.

БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК!

8 август куни Тошкентдаги Тельман номли маданият ва истироҳат боғида бинокорлар кунига бағишланган умумшаҳар кечаси ўтказилди. Кеча иштирокчилари КПСС Марказий Комитети ленинчи сиёсий бюросини фахрий президиумга сайладилар.

Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари С. Р. Расулов йиғилишни очиб, ёзлик театрга тўпланган бинокорлар ва монтажчиларни бинокорлик индустрияси ҳамда бинокорлик материаллари корхоналари коллективларининг намояндаларини байрам билан қутлади, Ватанимиз бахт-саодати йўлидаги меҳнатда уларга муваффақиятлар тилади. Ўзбекистон пойтахтини тиклаш ишига муносиб ҳисса қўшган қардош совет республикалари, шунингдек Тошкент болалари учун мактаб қураётган Болгария Халқ Республикаси бинокорларига самимий миннатдорчилик билдирилди.

«Главташкентстрой» бошлиғи В. Н. Маркин ўз докладида бинокорларнинг В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллиги шарафига меҳнат вахтасида туриб эришган янги-янги ғалабалари тўғрисида гапирди. **[ЎзТАГ].**

АҲД

Россия Федерацияси бинокорлари «Марказ-4» ва «Марказ-5» микрорайонларида қад кўтараётган турар-жой ва маданий-маиший бинолар қурилишини тезроқ ниҳоясига етказиш учун ленинча меҳнат вахтасида ишламоқдалар.

БУГУН

олийҳиммат РСФСР бинокорлари 4 та болалар комбинати ва битта магазин бинолари қуришга киришдилар.

ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИ УЧУН

Бугун

пассажирларни ташиш шаҳар автотрестида автобус маршрутлари ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тўғрисида йиғилиш бўлиб ўтди.

Ўзбекистон шаҳар ва область комитетлари ҳамда автохўжалик ходимлари қатнашган бу йиғилишда транспорт қатнови, йўлларни созлаш масалалари гапирилди.

● Зафар сатрлари

ИПАКЧИЛАР РАПОРТИ

Етти ойда иқтисод беш йилликнинг тўртинчи йилида улкан муваффақиятлар қўлга киритишяпти. Фақат етти ойда қўли гул йигирувчилар пландан ташқари 2500 килограмм пилла ёки 740 килограмм ипак ишлаб чиқаришди.

Ипак йигирувчилар гайратга гайрат қўшиб, йиллик планни 5 декабрь — СССР Конституцияси кунигача бажаришга аҳд қилишган.

ҲАМКОРЛИК АСОСИДА

Бугун

икки бинонинг саккизинчи қаватига панеллар ўрнатиш бошланди.

Р. Захаров бошлиқ бригада қурувчилари кунлик топшириқларни 130-140 процентга етказиб адо этмоқдалар.

Учинчи бинога эса дастлабки пойдевор ўрнатилди. Бу бино доҳиймиз В. И. Ленининг 100 йиллик юбилейигача фойдаланишга топширилади.

ҚАҲРАМОН ПИОНЕРЛАР ХИЁБОНИ

«Гулистон» пионер лагери сўлим ва хушманзара Бўстонлиқ районида жойлашган. Лагернинг биринчи-иккинчи сменасида пойтахтимиз мактаблари ўқувчиларидан 1200 дан ортиқ пионерлар мириқиб ҳордиқ чиқаришди. Ҳозир лагерда 800 га яқин пионер каникул гаштини суряпти.

Бугун

лагерда дам олувчилар бу ерда қаҳрамон-пионерлар ҳиёбонини бунёд этишга киришдилар. Шу ой ичида пионер-қурувчилар ёш қаҳрамонлар ҳиёбони қурилишини ниҳоясига етказадилар.

БУГУНГИ ТОШКЕНТ



СУРАТЛАРДА: Сиз Ўзбекистон Фанлар академиясининг шарқшунослик институтини, 1 Май кўчасида Москва бинокорлари томонидан қурилаётган бу 190 квартирали уйни, Навоий номли опера ва балет театри ҳамда пойтахт қурувчиларини бунёд этган комсомол марказий комитети биносини кўриб турибсиз. Бу бинолар Тошкент ҳуснига ҳусн қўшиб турибди.

И. Глауберзон ва В. Сироткин фотоси.

ГЎЗАЛ ШАҲАРЛАРНИНГ СЕН БУНЁДКОРИ

Бизнинг интервью

БИР САВОЛГА — БЕШ ЖАВОБ

— Яқинда КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети «Лойиҳа-смета ишини яхшилаш ҳақида» ва «Уй-жой-граждан қурилиши сифатини яхшилаш ҳақида» қабул қилган қарорда лойиҳа-смета ташкилотлари зиммасига жуда катта вазифалар юклаган эди. Бу қарор сизнинг ташкилотингизда қандай бажариляпти?

Мухбиримиз шундай савол билан лойиҳатдаги лойиҳа институтларининг раҳбарларига мурожаат қилиб, қуйидаги жавобни олди.

В. В. ЯКУШЕВ,

УЗБЕКИСТОН ССР ГОССТРОЙ БЎЛИМИНИНГ БОШЛИҒИ:

— Қарорларда бошқа муҳим тадбирлар билан бир қаторда типовой лойиҳалар ишлаб чиқишга катта эътибор берилган. Бундай лойиҳалар шаҳар ва қишлоқ қурилишлари сифатини яхшилашда қанчалик аҳамиятга эга эканлигини тасаввур қилишнинг ҳожати йўқ. Шу билан бир пайтда ҳозир худди шундай лойиҳалар камлик қилмоқда. Ўрта Осиё зонаси учун номенклатурага кўра уй-жой-граждан қурилишлари бўйича 288 типовой лойиҳа бўлиб, жумладан эллиқдан кўпроғи эскириб қолган.

Эндиликда ҳолат аста-секин ўзгармоқда. Биз уй-жой биноларн лойиҳасини тузиш учун конкурс ўтказдик. «Узгипросельстрой» коллективи 21 лойиҳа бўйича ишчи чертёжларни тайёрлашга киришди. Ишончимиз комилки, СССР Госстройи эскирган нормативларни қараб чиқишни тезлаштиради. Бизнингча, лойиҳага ишчи чертёжларни ҳам қўшиб комплектлаштиришдек амалда қўлланаётган қонда ҳам ўзгариш лозим. Бундай ишни капитал қурилиш ҳисобидан ҳисоб-китоб қилдириб, корхоналарга қарашли лойиҳа ташкилотларига топшириларса яхши бўларди.

И. В. ИСМОИЛОВ,

«УЗГОСПРОЕКТ» ИНСТИТУТИНИНГ ДИРЕКТОРИ:

— Биз «Лойиҳа-смета ишини яхшилаш ҳақида» қарор чиққандан кейин қуйидаги таклифни киритиб, расмийлаштирдик. Институт коллективи йил бошидан Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги шарафига социалистик мажбурият олган. Йиллик планни муддатидан олдин бажариш билан расчёт-ҳисоблаш, график ва нусха кўчириш ишларини механизациялаштириш ҳисобига меҳнат унумдорлиги ва тежамкорлик оширилади. Ҳозир биз тўққизта йирик комплекс ва объект бўйича лойиҳани муддатидан олдин топшириш учун барча имкониятларни ҳисоблаб чиқдик. Ярим йиллик натижа ҳисобларимиз тўғрилигини исботлади. Ҳисоблаш маркази — ишимизнинг асосидир. Бундан бешинчи йил муқаддам инженерлардан Лаптев ва Маврин таклифи билан ташкил қилинган ҳисоблаш маркази эндиликда институтнинг асосий тармоғи бўлиб қолди. Конструкцияларни, арматура ташлаш лойиҳачилардан электрон-ҳисоблаш машиналарга зиммасига ўтказилди. Сўнгги тўрт йил мобайнида йигирмадан ортиқ программа ишлаб чиқилди ва ўзлаштирилди. Эндиги мақсадимиз бино ва иншоотларни комплекс ҳисоблашда автомат системасидан фойдаланишдан иборат.

В. И. ЮРМАН,

УЗБЕКИСТОН ИНЖЕНЕРЛИК-ТЕХНИКА ҚИДИРИШ ИНСТИТУТИНИНГ ДИРЕКТОРИ:

— Биз техника проблемаларини ҳал қиламиз. Коллектив йилига икки миллион яқин объектга хизмат қилади. Қидирувчилар ҳамиша йўлда. Шунга қарамай ўз мажбуриятларимизни бажармоқдамиз: кўпгина объектларда қидириш ишларн муддатидан олдин бажарилмоқда. Бунга ишларни механизациялаштириш ва қидириш ишларида пармалаш ва қудуқлар воситаси билан қатламни текшириш туфайли эришилмоқда. Топографик-геодезия ишларн соҳасида институт ўлчашнинг янги методи — аэрофотодан фойдаланмоқда. Бу қилинадиган ишлар таннархини бир ярим баробар арзонлаштирнб, суръатни анча тезлаштирдн. Агар мутахассис кадрлар етарли бўлганда муваффақиятларимиз янада баракали бўлардн.

В. А. ЛЕБЕДЕВ,

«УЗГИПРОСЕЛЬСТРОЙ» ДИРЕКТОРИНИНГ ЎРИНБОСАРИ:

— Кейинги ўн йил мобайнида қилинадиган ишларимиз ҳажми беш баробардан ҳам ортиб кетди. Шундай қийинчиликларга қарамай коллективимиз республика лойиҳа ташкилотлари мусобақасида икки йилдан буён бирничиликни олмоқда. Ҳозир ҳам мажбуриятимиз ортиғи билан адо этилмоқда. Аммо Ўрта Осиё республикаларида тобора авж олаётган қурилишлар талабн бизлан ўзиб кетмоқда. Яқин келажакда қувватимизни икки баробар орттириш лозим.


А. Б. КРАКОВ,

«ТАШГИПРОГОР» БОШ ИНЖЕНЕРИ:

— Партия ва ҳукумат қарорида лойиҳа сифатига катта аҳамият берилган. Ҳозир биз шу муҳим ишни амалга оширш билан бандмиз. Бита мисол келтираман. Бизнинг лойиҳамиз бўйича 2-Тошкент уйсозлик комбинати анча прогрессив конструкцияларни ишлаб чиқаришга киришди. Бу лойиҳани тузар эканмиз, корхонани янги маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтказишда мавжуд технология билан оз маблағ сарфлаб, ишлаб чиқаришни тўхтатмаган ҳолда янги маҳсулотни ўзлаштиришни кўзда тутдик. Бу мақсадга мувофиқ иш тутиш янги технологик линия тузмай туриб янги маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтиш, икки миллион сўмга яқин маблағ тежаб, реконструкция муддатларини қисқартириш ва юксак сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятини берди.

Лойиҳа тузишда техника прогресси икки томонлама ривожланмоқда. Бир томондан лойиҳа тузиш янгиликка интилиш бўлса, иккинчидан институт ишн такомиллаштирилмоқда. Биз ўз ишлаб чиқариш процессимизда кўмакчи ишларни механизациялаштириш ва автоматлаштиришга ҳаракат қилмоқдамиз. Ҳисоблаш масаласига келганда, кенг марказлаш бақувват ҳисоблаш станцияларидан фойдаланиш тарафдормиз.

Биз биринчи сентябрда 1970 йилда фойдаланишга топшириладиган мўлжалланган объектларнинг техника ҳужжатларини ва 1971 йилда қурилиш бошланадиган объектлар лойиҳасини топширишга тайёрлар эканмиз бунда фақат меҳнатни илмий ташкил қилиш кўл келаётганини тан оламиз. Бу ишлар юбилей мажбуриятларимизнинг амалий жавобидир.



● *Янги лойиҳалар*

БЕМИННАТ ХИЗМАТ

Шевченко кўчасидаги эски бир қаватли уйлар сўнгги кунларини бошидан кечирмоқда. Полторацкий кўчаси томонидан майдон атрофига тахта девор тўсилди. Эндиликда у девор бўлажак янги қурилиш майдони чегарасини кўрсатиб турипти. Девор орқасида иш қизғин: эски уйлар бузилиб, ўрни текисланмоқда. Бу ердан ўтган ҳар бир киши қандай иморат қуриларкин, деб хаёлидан ўтказади.

Бу ерда республикамизда энг йирик Маиший хизмат уйи қурилади. У бино лойиҳачилар томонидан «Ўзбекистон» деб номланди.

Маиший хизмат уйи биносининг узунлиги 100 метр, эни 50 метр бўлади. Иморат Шевченко кўчаси томонидан олти қаватли қурилиб, ёнидаги бир қаватли бино билан бирлаштирилади. Баланд бинонинг пастки қавати ва бир қаватли қисмида маъмурият жойлашади, ҳар хил хизмат учун буюртма олинади, шунингдек граммпластинкага ёзиш ательеси, сартарошхона салони, тез фурсатда буюртмани бошқарадиган химиявий тозалаш, фотография, пойафзал ва кийим-кечак ямаш устахоналари жойлашади. Юқори беш қават эса ишлаб чиқариш устахоналарига мўлжалланган бўлиб, ҳозирги замон технологияси ускуналари билан жиҳозланади.

«Ўзбекистон» Маиший хизмат уйи пойтахт меҳнаткашлари учун 50 хил иш бажаради. Жумладан, кўпгина янги хизмат турлари ўзлаштирилади. Масалан, кимёвий йўл билан тозалаш мижозлари ўзига-ўзи хизмат қиладн. Бу ўз костюм ёки шимингизни шахсан тозалайсиз деган гап эмас. Буюмингизни тозалаш аппаратига соласиз, кассадан олган жетонинг ташлайсиз. Юмшоқ креслода ўтириб бемалол газета ўқишингиз ёки журналларни варақлашингиз мумкин. 40 минутда костюм тозаланиб, 20 минутда дазмолланади.

Сорочкаларни «экспресс» ювади. Бир соат мобайнида ювиб крахмалланган ва дазмол босилган кўйлакни қайтиб олишингиз мумкин.

Хотин-қизларга янги Маиший хизмат уйида ўзига-ўзи хизмат қилиш учун ҳозирги замон бақувват кир ювиш машиналари, трикотажни бўяш ва косметика кабинети хизмат қилади.

Бу том маъноси билан универсал маиший хизмат корхонасида бош кийимлари, сумка, камар, тугмалар тайёрлаш учун буюртмалар бериш ва ремонт қилиш мумкин. Бу ерда фото ва киноаппаратуралар, радиоприёмник ва телевизорлар, соат ва авторучкалар, дутор ва дойраларни ремонт қилдириш, тузатиш мумкин.

Айтайлик, сиз кино ёки театрга бормоқчисиз, кўлингизда чақалоқ бор. Уйдай ҳол да вақтинча қараш учун энага, мактабда улгурмаётган фарзандингизга қўшимча дарс берадиган ўқитувчи, пол ювиш, пианнино тузатиш, тантаналарда хизмат қилиш учун официант чақиришингиз мумкин. Уй-рўзғор буюмлари, спорт анжомлари, музика асбобларини ижарага берадиган салон ҳам шу ерда жойлашган. Намойиш залида кийим-кечак ва пойафзалларнинг энг сўнгги модаси билан танишиш мумкин.

Маиший хизмат кўрсатиш уйида мижозлар учун қулайлик яратилган — муҳтадил ҳаво, лифт, яхши жойлар, ҳавза атрофидаги гулзорлар, кафе хизматидан фойдалана оласиз.

Ҳавза ўртасида фонтан отилиб туради, автомашиналар тўхтайдиган махсус жой тайёрланади. Бу хозирча яхши ниятга ўхшаб кўринади. Лекин яқинда хақиқатга айланишини ҳис қилган киши гурурланади.

Маиший хизмат уйининг қурилиши бошлаб юборилди. Бу ажойиб бино — Москвадаги ЦНИИЭП савдо биноларини лойиҳалаш институти лойиҳачи инженер-техник ходимларининг ижодидир.

Суратларда: пастда «Ўзбекистон» Марказий маиший хизмат кўрсатиш уйининг макети (Полторацкий кўчасидан кўриниши), юқорида — бинонинг икки зал ларидан бири.

А. Тўхтахўжаев фотоси.

Ғолибларга байроқлар


«Главташкентстрой» қурилиш трестларининг коллективлари Қурувчилар кунини меҳнатда янги ғалабалар билан кутиб олишмоқда. В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига барча қурилиш ташкилотларида социалистик мусобақа кучайиб кетди. Кўпгина қурилиш бошқармалари ва трестлар меҳнатда яхши муваффақиятга эришмоқдалар.


Айниқса ишда намуна кўрсатаётган, ҳамиша пешқадам бўлиб келаётган трестларнинг иши диққатга сазовор. Пешқадамлар ҳақида сўз кетар экан, 1-уйсозлик комбинати коллективи тилга олинади. Коллектив ярим йиллик планнн 109,5 процент бажарди. Иккинчи квартални Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва касаба союзлари Ўзбекистон Республика Советининг кўчма Қизил байроғи билан биринчи пул мукофотини олишга сазовор бўлди.

Шунингдек 159-трест коллективи ҳам ишда намуна кўрсатди. Олти ойлик қурилиш-монтаж ишлари планн 100,8 процент бажарилди. Иккинчи кварталдаги муваффақиятлари учун коллектива «Главташкентстрой» ва Қурилиш ҳамда қурилиш материаллари саноати ходимлари касаба союз республика комитетининг кўчма Қизил байроғи берилди.

Шунингдек «Главташкентстрой» ва қурилиш ҳамда қурилиш саноати ходимлари иккинчи мукофотни иккинчи кварталдаги натижаларн учун «Ташнжстрой» трести ҳамда «Крупнопанелжильстрой» трестининг 26-бошқармаси коллективига берилди.

Пешқадам коллективлар социалистик мажбуриятни муддатидан олдин бажариш учун бошқарма ва участкаларда мусобақани кучайтириб юбордилар.





Москва уйлари. Пушкин кўчасида учта баланд минора бўй чўзиб турибди. Деворларга қўйилган оппоқ панеллар худди ойнадек қуёш нурини акс эттиради. Кечқурунлари эса неон чироқлари порлайди.

Тўққиз қаватли уйлар шаҳар учун янгилик эмас. Шунга қарамай Пушкин кўчасидаги уйлар ҳамманинг эътиборини ўзига тортади. Бу уйлар ёнида кафе, нитоб магазини, кўргазма заллари қурилади, ер тўлада эса Бар ташкил этилади. Бу ерда хонадонлар учун барча қулайликлар яратилган.

СУРАТДА: Москва биноларидан бири.

Л. Глауберзон фотоси.

АФСОНАНИНГ ДАВОМИ

Қадим-қадим замонларда устачилик билан кунини ўтказиб юрадиган бир йигит бор экан. У ўз касбини шундай яхши биларканки, етти иқлимга донғи кетган экан. Кунлардан бирида ўша йигит яшаб турган мамлакатнинг шоҳи аллақаерга урушга бориб, ғалаба билан қайтибди. Шунинг шарафига улкан ёдгорлик — арқ қурдирмоқчи бўлибди. «Аркни бир ойда битирасизлар, — дебди у мамлакатдаги энг яхши усталарни йиғиб. —Бўлмаса ҳаммангизни қиличдан ўтказаман».

Шундай улкан аркни бир ойда битириш мумкин эмаслигини ҳамма билар экан. Усталар ўйлай-ўйлай, охири иш бошн қилиб бояги йигитни сайлашибди. Йигит подшоҳнинг қизини севар экан, рози бўлибди. Агар шоҳ қизига уйланса, аркини бир ойда тугаллайман, дебди у. Шоҳ ҳам шартга розн бўлибди.

Йигит кечани-кеча, кундузни-кундуз демай ишлабди. Бутун муҳаббатини, орзуларини мана шу бинога беribди. Арқ муддатидан икки кун илгари битибди: унинг гўзал безакларини кўрган шоҳнинг оғзи очилиб қолибди.

— Мен ўз ваъдамни бажардим. Сиз ҳам бажарасиз, — дебди йигит шоҳга. Лекин шоҳ ваъдасини бажариш ўрнига йигитни эндигина ташлабди. Шунда табиатнинг ғазаби келибди-ю, бирдан зилзила бўлиб кетибди. Арқ ер билан яксон бўлибди. Кейин уни ҳеч ким тиклай олмабди...

1966 йил баҳорида Тошкентда ҳеч қандай арқ йўқ эди. Аммо апрель ойида зилзила бўлгани афсона эмас. Тошкентда ҳеч қандай арқ қулагани йўқ. Лекин 2 миллион квадрат метр турар жой бинося вайрон бўлиб, 78 минг оила бошпанасиз қолгани афсона эмас. Тошкентда ҳеч қандай малика ҳам йўқ эди. Лекин унинг ошиқлари минглаб эканлиги афсона эмас. Афсонадаги арқ қайта тиклапмаган бўлса, Тошкент тез кунда қаддини ростлай бошлади.

Инсон боласи қўрқинч деган туйғудан узоқ эмас. Зилзила кунлари одамларнинг юраги қилт этмади деб бўлмайди. Лекин одамлар барн бутун эканлигини, шундоққина ёнида мадад қўлини чўзиб турган дўстлари кўп эканлигини зилзиланинг биринчи кунлариёқ ҳис қилдилар. Бу эса уларнинг қалбини қувонч ва ғурур туйғуси билан тўлдирди.

Вагонларнинг деворига «зудлик билан, Тошкентга!» деган сўзлар ёзилган поездлар қатор-қатор кела бошлади. Тошкент турли тилларда сўзланаётган, аммо қалби ягона туйғу билан тўлиб-тошган кишилар тўйхонасига айланиб кетди. Ҳалқимиз одамларнинг бошига бирор бир ташвиш тушса «кўлга келган тўй» дейди. Тошкент зилзиласи ҳам бутун мамлакат бошига тушган ташвиш бўлди. Кўпчилик бўлгани учун уни тўйдек кутиб олдик.

Тошкентликлар дўстлик деган сўзнинг маъносини бошга кулфат тушганда янада чуқурроқ ҳис қилдилар. Ойига 40 сўм пенсия оладиган кампирдан тортиб, мактаб ўқувчисигача ҳар ким ҳолига яраша Тошкентга ўз жамғармасидан пул жўната бошлади. Тез кунларда 170064 счетга 10 миллион сўм пул тушди. Бу маблағ бузилган уйларни ремонт қилиш ва янги биноларнн бунёд этишга ишлатила бошланди.

Орадан уч йил ўтди. Уч йил!

Йиллар, замонлар ўтгач, тарихчилар мана шу уч йилни олтин саҳифалардек зарзоблаб ўқисалар арзийди. Уч йил ичида Тошкентда янги шаҳар бунёд бўлди.

Москвалик қурувчилар 200 минг квадрат метрдан ортиқ, ленинградликлар 100 минг квадрат метрдан ортиқ, РСФСР бинокорлари 300 минг квадрат метрга яқин, Украина қурувчилари 200 минг квадрат метрга яқин тураржой бинолари бунёд этдилар.

Тошкент фақат энига эмас, бўйига қараб ҳам ўсди.

Ёдингизда бўлса керак, бундан бир неча йил илгари Сапёрлар майдонидаги 9 қаватли бино Тошкентда энг юксак уй ҳисобланарди. Трамвайдами, автобусдами ўтиб қолсангиз, баландлигини кўриб ҳавас қилардингиз. Ҳозир бундай уйлар ҳар қадамда учрайдиган бўлиб қолди.

Шаҳримиз фақат юқорига эмас, замнига қараб ҳам ўсиб боради. Яқин йилларда ер ости йўллари — метро олисимизни яқин қилади.

Ҳа, Тошкент зилзиласи афсона эмас. Лекин дўстлик қудрати билан қисқа вақтда чинакам афсонавий ишлар қилинди. Афсона ҳали яна давом этади.

Ў. ҲОШИМОВ.

ПОГОНЛИ ҚУРУВЧИЛАР

Биз офицер Николай Чаплинский билан қурилиш отрядининг ишлари тўғрисида узоқ суҳбатлашдик. Майор қурувчилар, улар қўлга киритган ютуқлар, муҳим ҳукумат топшириғини бажараётган ташаббускор ва ғайратли кишилар тўғрисида ҳикоя қилиб берди. Ўртоқ Собшанский рота командири Виктор Мицлехиннинг номини ғурур билан тилга олди.

— Бу ерда ялқовлар йўқ. Ҳамма ўз қалб амри билан ватанпарварларга хос бурчини оқламоқда, қурувчи деган номни улуғламоқда, — деди у.

Сўнгра илғор кишиларни бирма-бир санаб ўтди. Маълум бўлишича, коммунист Мицлехин бошқараётган бўлинма икки йилдан буён отрядда биринчи ўринни олмоқда, коммунистик меҳнат коллективи деган номга эришган.

Бу номга эришиш учун катта ғайрат қилинди, коллектив ўртасида интизом мустаҳкамланди. Ротанинг ҳар бир бригадаси ой сайин ишлаб чиқариш топшириқларнйи яхши ва аъло баҳолар билан бажармоқда.

Ҳарбий қурувчилар қурган уйлардан, Чилонзордаги 4-кварталда истиқомат қилаётган кишилар мамнун.

Бу бўлинманинг солдат-қурувчиларининг муваффақиятидан даолат бериб турибди. Алексей Шникоренок қўмондонлик қилаётган ротанинг ҳам ишлари чакки бўлмади. Бу ерда ҳамма ўз ишининг устаси. Шу туфайли отряд Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Республика Министрлар советн ва Олий Советн Президиумининг Эсдалик байроғини олишга сазовор бўлди. Қурувчи жангчилар пул мукофотлари, ёрлиқлар олишди, уларга раҳматнома эълон қилинди.

Тошкентдаги шинелли қурувчиларнинг донғи узоққа кетди. Бунинг сабаби бор. Чунки улар қатнашмаган бирорта қурилиш объектини топиш қийин. Ўлдош шаҳар, республикамиз пойтахтининг Қизил майдони, Ҳукумат уйи биноларн шулар қўли билан тикланди. Шуни айтиш зарурки, энг оғир участкаларда ҳам шинелли қурувчилар жасорат кўрсатишди.


Ф. ФОЗИЛОВ.

ЯНГИ МЕДИЦИНА ШАҲАРЧАСИ

Тошкент медицина институти учун янги бино қурилмоқда. Бино лойиҳасини СССР Соғлиқни Сақлаш министрлиги қошидаги «Гипроздрав» институти тузди. Бир неча гектар майдонда кўпгина объектлар қад кўтаради. 1980 ўринлик шифохона, ўқув корпуси, институт студентлари учун ҳар бири 600 ўринлик 8 та ётоқхона, болалар комбинати, лаборатория ва бошқа кўмакчи бинолар қурилади. Спорт комплекси ёнида ҳар хил истироҳат майдонлари барпо этилади.

Янги медицина шаҳарчаси университет районида Тошкент минерал сувига яқин жойда қурилади. Беморларни даволашда шу сувдан фойдаланиш кўзда тутилди. У ерда бир йилда 10 миллион сўмлик ишни бажариш кўзда тутилмоқда. Бундай кенг кўламдаги ишни бажариш учун пойтахтда ихтисослаштирилган махсус қурилиш трести ташкил қилиш мўлжалланмоқда.

Я. ТОЛСТОНОГ,
иқтисодчи-инженер.



Ленин кўчасида Украина бинокорлари шундай ёдгорлик қолдиришди.

Л. Глауберзон фотоси.

КАСБИНГ ШАРАФЛИДИР АСРИМ БИНОКОРИ!



Шаҳрим кўчаси бўйлаб
бораман,
Не-не ишларни ўйлаб бораман,
Сўйлаб бораман.
Анов бинони қурган эдик биз,
Ҳа.. богча бўлибди... қувнар
ўғил-қиз,
Иқболи кундуз.
Мана бу уйда бўлаётир тўй.
Икки ёр учун янграр олқиш,
куй,
Соқий, майни қуй!
Шаҳрим кўчаси бўйлаб
Орзуларимни ўйлаб бораман,
Сўйлаб бораман.
Биз қурган уйда тўй бўлсин
фақат,
Знёфат бўлсин, яйрасин улфат,
Кўрмасин кулфат.
Шу ширин истак бажо бўлса
бас,
Бундан бўлагин қилмаймиз
ҳавас,
Орзу — муқаддас!

Тошкент чиройига ҳусн

ЛАВҲА

Тошкентимизга гул, бахт, кўёш рамзи билан сифат берардилар. Эндиликда у Дўстлик ва Тинчлик шаҳри деб аталмоқда.

Бунинг боиси бор, албатта. Тошкент зилзила офатидан жароҳатланганда, улуғ мамлакатимиздаги ҳамма дўстларимиз ёрдам қўлларни узатишди.

Қаранг улар қолдирган обидалар нақадар гўзал!

Инсон қўли билан яратилган нарса гўзал бўлади, дейишади. Ленин бу гўзалликни осонлик билан яратилмайди.

Тошкентда ажойиб бинолар бунёд этаётган қардошларимиз ўз дастхатларини ёзиб қолдиришмоқдаки, буларнинг ҳаммаси қимматли эсдалик ва ёдгорликдир.

Чилонзорнинг 23-кварталида ҳушҳаво бассейн бор. Бассейн юқорисида темирбетондан ишланган байроқ рамзи турибди. Унинг тагига «Россияликлардан — тошкентликларга» деган ёзув битилган. Атрофда РСФСРликлар қурган шинам ва ҳашаматли биноларда ҳаёт қайнамоқда.

Шаҳримизнинг Богдан Хмельницкий кўчасидаги Театральная бекатида грузинлик дўстларимиз бунёд этган салобатли дўстлик монументи тошкентликларга қимматли ёдгорликдир. Унда грузин шоири Шота Руставелининг барельефи, ўзбек ва грузин халқларининг қадимий дўстлиги нақшларда ёркин ифода этилган.

Ғафур Ғулом кўчаси бўйлаб борар экансиз, туркман дўстларимиз қурган биноларга кўзингиз тушади. Бир ҳашаматли бино ёнбошида шундай бир расм бор: гилам солинган хнёбон. Созанда тор чалмоқда, туркман қизи эса рақс тушмоқда.

Бу расмни кўрган киши шодлик ва бахтни, ажойиб ҳаётимизни бенихоя кўз ўнгига келтиради.

Пушкин ва Хоразм кўчалари туташган хнёбонда арманистонлик дўстларимиз ўрнатган монумент ҳам салобат тўккиб турибди. Бу монументда ғишт кўтариб турган забардаст қўллар акс эттирилган.

Тошкентнинг жуда кўп биноларида қурувчи дўстларимиз қўли билан нақш этилган жуда кўплаб дастхатларни кўрамиз. Кўчаларда, хнёбонларда ва майдонларда қардошларимиз ўрнатган монументларни кўрамиз. Буларнинг ҳаммаси бизнинг она шаҳримиз бағридан жой олгани билан фахрланамиз.

Дўстларимизнинг барча дастхатлари, монумент ва ёдгорликлари узоқ-узоқ йилларга сақланади, уни авлодлар эъзозлайди. Буларнинг ҳаммаси Тошкент чиройига мангу ҳусн бўлиб туради. Дўстлигимизнинг абадий рамзи бўлиб авлодларга нишона беради.

Т. РАСУЛЕВ.



Пойтахтнинг марказий майдони

19 қаватли бино устига чиқиб, қаралгач кўз олдида республика Министрлар Советининг биноси ёнидаги Ленин номли майдон намоён бўлади. Гулзорлар ва кўкаламзорлар бетон билан уйғунлашиб ажойиб манзара кашф этади. Юзлаб фонтанлардан сув отилиб кўмкўк ҳовузга тушмоқда. Ҳовузда эса осмон акси кўриш мумкин.

Бу майдоннинг лойиҳаси Москвадаги томоша ва спорт иншоотлари лойиҳа институти Ц Н И И Э П ҳамда Тошкентдаги «Гипрогор» лойиҳа институти ходимлари билан ҳамкорликда тузилган. Лойиҳага таниқли совет архитектори Б. С. Мезенцев раҳбарлик қилган. «Ташгипрогор» устахонаси эса ўзининг бир группа авторлари билан пойтахтнинг асосий майдонини қуришда актив иштирок этди.

В. И. Ленинга ёдгорлик — минбарлар, Намойишлар аллеяси майдонининг асосий ғояси қилиб олинган. Унда эски ва янги Тошкентни ифодаловчи тарихий ғоя ифодаланган. Майдон иккита шаҳар ансамбли ўқи сифатида Бўзсув канали билан Революция хнёбони, Охунбобоев майдонини ўз атрофига уйғунлаштиради. Ўзбекистон асосий майдонининг ҳажми 15 минг квадрат метр жойни эгаллайди.

Ҳозир лойиҳачилар олдида иккита муҳим проблема турибди: Гагарин парки ёнидан Бўзсув соҳилини безаш ва каналнинг ғарбий томонидаги «Пахтакор» стадионига кўрк бериш кўзда тутилган. Иккинчи проблема эса асосий шаҳар магистрали — Ленин хнёбонини барпо этишдир. Бу икки иншоот майдонни жанубда ва ғарб томонидан ўраб туради.

СУРАТДА: Қизил майдон келажакда ана шундай бўлади.

Ғурурланса арзийди

«Мосстрой» трестининг 178-қурилиш бошқармасида бутун коллектив ғурурланса арзийдиган кишилар бор. Комплекс бригадасининг бошлиғи Георгий Герасимович Макаренко шулардан бири.

Тошкент зилзиласи ҳақидаги хабар Ватанимизга пойтахти Москвага бориб етганда, Георгий биринчи эшелон билан ёрдамга ошиқди. 1966 йилнинг 20 июлида у Тошкентга етиб келиб, бошқармада иш бошлади.

Москваликлар ўз дўстларига юзлаб квартиралар ҳадя қилишди. Улар қурган уйларда тошкентликлар истиқомат қилишмоқда. У уйлар Марказ-1, 8-15, 8-26 кварталларига зеб бериб турибди.

Биз Георгий билан галерия типида қурилаётган 9 қаватли бино майдонида учрашдик. Новча, яғриндор, юзлари офтобда пишган йигит бизга пешвоз чиқди. Унинг ҳар бир сўзида соддалик, самимийлик, дўстларига бўлган меҳрибонлик сезилиб турарди.

— Нега шу касбни танладингиз?

— Мен ва дўстларимга бу касб бахт келтирди десам бўлади. Қурилиш иши ёқиб қолди. шу жиҳатдан бир-биримиз билан тил топишдик. Кўпчилигимиз ўн йил, баъзи бировлар ундан ҳам кўпроқ вақтни қурилишга сарфлашган. Бизни ҳамма ерда қурилишлар кутиб турибди.

— Бригадангиз коллективининг муваффақияти нимада? Ҳамиша биринчиликни қандай қилиб қўлга киритасизлар?

— Бригадада ўз ишини яхши билган йигитлар тўпланишган. Ҳар бири тоғни ҳам талқон қилади. Масалан, пайвандчи Б. Иванов, такелажчи А. Горшков, Н. Воронцов, ғишт терувчи В. Галкинни олайлик. Улардан иш қочиб қутулмайди. Бригададаги 32 йигитнинг ҳаммаси қўлни-қўлга бериб, бир хилда ишлайди.

Бригада бошлиғининг гапига қарағанда, у фақат ўз касбини эмас, балки ўзи билан ёнма-ён ишлаётган касбдошларини ҳам жон-дилдан севади. Георгий ўзлари енган қийинчиликларни ҳам, шу туфайли келган муваффақиятларни ҳам гапириб берди.

— Айниқса қиш оғир келди, кўпчилик қаторн қийналдик. Бундай совуқда, айниқса тепада ишлайдиган монтажчиларга қийин бўлди. Улар ўз қалб ҳароратлари билан қийинчиликларни енгишди.

«Марказ-1» кварталига зеб берувчи ажойиб уй-жой биноларн қураётган қўли гул бинокорларнинг ишидан кўпчилик қатори биз ҳам хурсанд бўлдик. Уларнинг ҳар бир ҳаракати, ҳар бир қадами янги уйнинг мустаҳкам ва пишиқ бўлишидан далолат бериб турибди.

З. АЪЗАМХЎЖАЕВА.

САЙҚАЛЧИЛАР

Пойтахтимиз гўзал ва обод бўлишига кўпгина қурилиш ташкилотлари қатори СССР электро-техника саноати министрлигига қарашли 3-трестнинг 60-ремонт қурилиш бошқармаси бинокорлари ҳам муносиб ҳисса қўшиб келишяпти.

Айниқса, бу борада бошқармадаги Геннадий Иванов бошлиқ Коммунистик меҳнат бригадаси аъзолари ўзларига топширилган вазифаларни с и ф а т л и бажариб, ҳамкасбларига намуна бўлишяпти.

Бригададаги 9 ишчининг ҳар бири ўз касбининг моҳир устаталаридир. Уларнинг қўлида қайта сайқал топган Морозов кўчасидаги икки қаватли уй-жойлар, Ўрта Осиё энергомонтаж бошқармасининг маъмурий биноси, Тошкент кабель заводидаги цехлар яхши баҳолар билан қабул қилинди.

Шу кунларда бригада азаматлари 2-троллейбус кўчасидаги «Тошкенткабель» заводининг ишчи-хизматчиларидан 100 оила истиқомат қиладиган бир қаватли биноларда ремонтга оид ишларни бажармоқдалар.

Иш суръатийи ошириш ва сифатини яхшилаш ҳар бир сайқалчининг диққат марказида. Хоналарга дид билан берилаётган бўёқлар кўзни қамаштиради. Бўёқчилик санъатини пухта эгаллаб олган тажрибали сайқалчилардан бригадир Геннадий Иванов ҳамда Ҳасан Мирзобоевлар Коммунистик меҳнат зарбдори деган шарафли номга муяссар бўлишган.

Ремонт ишларини тез ва соз бажаришда сайқалчилардан Матлуба Мирзабоева, Мирҳосил Мирсоатов, Матлуба Самарджановалар кунлик топшириқларини ортиғи билан бажариб, ҳамкасбларига намуна бўлишяпти.

Э. ТЎЛАГАНОВ.

Босмахона лойиҳалари

Тошкентдаги Киров кўчасида СССР Министрлар Совети қошидаги Матбуот комитетига қарашли «Гипрополиграф» Давлат лойиҳа илмий-текшириш институтининг Тошкент филиали жойлашган. Биз институтнинг бош инженер ўринбосари Я. А. Гольдман билан учрашиб, институт ишлари билан танишдик.

— Институтимиз ҳали ёш,— деди Ян Абрамович.— Шунга қарамай бир йиллигимизни муваффақиятлар билан кутиб олмоқдамиз. Меъморларимиз пойтахтимизнинг «Марказ-1» районида қурриладиган Ўрта Осиёда энг йирик Офсет фабрикаси, Тошкент ва Фарғонада йирик китоб магазинлари лойиҳасини тузиб берди Бундан ташқари институт Янгийўл, Қарши, Андижон Самарқанд ҳамда республикамизнинг бошқа шаҳарларида қуриладиган босмахоналарнинг чертёжларини тайёрлади.

Бу объектларда ҳозир қурилиш ишлари бошлаб юборилди. СССР Госстройининг топшириғига биноан йилига 5—1,9 миллион нусха маҳсулот ишлаб чиқарадиган район типовой босмахоналари лойиҳасини тайёрлаб берди. Бу босмахоналар қандай экаплигини сизга ҳавола қилинаётган суратдан кўриб олишингиз мумкин.

— Шуни таъкидлаш лозимки,— давом этди Гольдман, — бу лойиҳаларни ишлашда биз фан ва техниканинг энг сўнгги ютуқларини, иссиқ иқлим ва сейсмик хусусиятларни ҳисобга олдик. Янги технологик процессларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш республика район босмахоналарида тайёрланаётган матбуот маҳсулотлари сифатини яхшилаш имкониятини беради. Бундай бинолар лойиҳасини тузишда институт ходимлари М. Абдураҳмонов, В. Бахтёров, А. Голод, А. Левин, В. Позняков, И. Вершик, И. Малинина, З. Гвоздёва, Э. Гущина каби ўртоқлар намунали ишладилар. Институтимизда биз таъкидлаган ишлардан ташқари ҳавони кондиция қилиш ва саноат вентиляциясини илмий-текшириш лабораторияси ташкил қилинди.

Тошкент мутахассислари биринчи марта Москвада кандидатлик диссертациясини ёқлади. Улар ўз диссертацияларини ҳавони Ўрта Осиё иқлимида кондиция қилиш проблемаларига бағишлашди.

В. ГОНЧАРОВ.



СУРАТДА: институт томонидан тайёрланган район типовой босмахоналарининг макети.

ҒИШТ ТЕРУВЧИ

Виктор Рябинин 1955 йилдан буён шаҳримиз улкан қурилишида ўз ҳиссасини қўшиб келаётир. У дастлаввал 153-трестда, сўнгра 7-монтаж қурилиш бошқармасида узлуксиз ишлаб келмоқда. Ҳозир Фёдор Сидоров бошчилигидаги комплекс бригада пешқадамларидан бири.

Устозсиз шогирд, шогирдсиз устоз бўлмайди, деганларидек, Виктор аканинг ҳам шогирдлари бор. Михаил Бериколов, Зайнаб Рознева набилар Виктор акани ҳурмат қилиб устозимиз дейишади.

Шу кеча-кундузда улар Чилонзор массивининг В-22 кварталида 22-уйни қуришмоқда. Виктор Рябинин доим иш нормасини ортиғи билан бажаради. Бирор марта шу йиллар давомида норма бажарилмаган квартал ёки уйни билмайди.

Ҳ. ҲАБИБУЛЛАЕВ.

РОССИЯ ТУҲФАСИ

«РОСТАШСТРОЙ» ТРЕСТИНИНГ БОШҚАРУВЧИСИ В. ЖИЛИН БИЛАН СУҲБАТ

Тошкент биз учун кўп вақтлардан буён кадрдон шаҳар. Тошкентликлар Улуғ Ватан уруши йилларида рус халқининг хотирида бир умр қоладиган иш қилдилар. Немис фашист босқинчилари Ватанимизга ҳиёнаткорона бостириб кирган дамларда отаонасиз қолган болаларимизга парвона бўлдилар. Тошкентликлар ўша қ и й и н ч и л и к йилларида фарзандларимизни ўз бағриларига олдилар.

Тошкент билан Россиянинг иқтисодий алоқалари анча вақтлардан бери давом этиб келаётганлиги ҳақида кўп мисоллар келтириш мумкин. Зилзила туфайли бошпанасиз қолган тошкентликларга ёрдам бериш учун бутун мамлакат отланди. Россия Федерациясининг 41 шаҳридан минг деган уста бинокорлар тўпланди.

Дастлабки қурилиш поездлари коллективлари Тошкентда уй-жой қурилишини бошлаб юборганларига минг кундан кўпроқ муддат ўтди. Москва области, Волгоград, Тула, Челябинск, Ярославль қурилиш-монтаж поездларининг коллективлари Россия бинокорлари учун синов даврини бошлаб бердилар. Яъни об-ҳаво ва иқлими шароити бир бошқача бўлган Тошкентда ёзнинг жазирама иссиғида иморат тиклаш қанақа бўлишини амалда намойиш қилдилар.

Энди у кунлар биноркорларимиз учун бир хотира бўлиб қолди. Тошкентда яшаб, бу ерда биноларқурилишнинг ҳаддини олган кўплаб азаматларимиз боркн. улар билан тошкентликлар ҳам фахрланаётганликлари бизни қувонтиради, албатта. Биз Тошкентда уй-жой ва маданий-маиший муассасалар қурганимизни сира-сира ҳеч қилмоқчи эмасмиз. Фақат қардош ўзбек халқи олдидаги Улуғ Ватан уруши давом этиб турган кунлардаги қарзимизни озгина бўлса ҳам узсак, халқлар дўстлиги нималарга қодир эканлигини олам узра кўрсатиб қўйишга арзигулик иш қилган бўлсак бас.

Биз, россияликлар Ўзбекистон пойтахтида бинокорлар кунини тўртинчи марта нишонламоқдамиз. Шу йиллар давомида Россиядан келган қурилиш ташкилотларининг коллективлари табиий офат важидан кўринишини бироз ўзгартирган Тошкентни қайтадан тиклаш ҳаракатида актив қатнашдилар. Мана, эндиликда Тошкентни қурганлар яна ҳавас қилишадиган бўлиб қолишди. Чилонзор массивида, шаҳар марказида тикланган иморатлар совет архитектураси ва қурилиши эришган янги ютуқларни кўз-кўз қилиб турибди.

Россия бинокорларининг минг кунлик ғайрат-шижоати маданини куйлайдиган рақамларни таъкидлаб ўтмоқчиман. Ер силкинib турган 1966 йилнинг ўзида «Росташстрой» трестига қарашли бинокорлик ташкилотларининг коллективлари беш қаватли шинам ҳамда тўкис уй-жой биноларидан 18 таснин қуриб фойдаланишга топширдилар. Бу иморатларда бошпанасиз қолган тошкентликлар д а н 1550 оила ҳовли тўйлари ўтказди.

Уй-жой қурилишни тезлаштириб юбориш тадбирларини қуришга тўғри келди. Мамлакатнинг марказий районларидан вагонларда қурилиш материаллари пешма-пеш етказиб берила бошланди. Лекин қурилиш ишларининг ҳажми бинокорлик ишларн олиб борилаётган майдонлар яқинида ишлаб чиқариш базаларн вужудга келтириш лозим бўлиб қолди. Буни ҳаётнинг ўзи тақозо этди. 1967 йилга келиб қурилиш материаллари етказиб бериш тезлашди ва Тошкентда тиклаган бинокорлик саноати корхоналаримиз маҳсулот бера бошлади. Шу базага таяниб шаҳар марказидаги зилзила кучли бўлган тўртинчи ва бешинчи кварталларда қурилиш ишларини жадаллаштириб юборишга муваффақ бўлдик.

Ихтисослашган бошқармалар ҳамда участкалар туздик. Темирбетон буюмлари заводлари ва конструкциялар тайёрловчи полигон ишга туширилди. Бутун куч ва имкониятларни ишга солдик. Шу йўл билан қурилиш ишларини тезлаштириб юборишга муваффақ бўлдик. 1967 йили жами 160 минг квадрат метр уй-жой биноларн қурилди. Мактаб ҳамда болалар комбинатидан тўрттаси фойдаланишга топширилди.

Ўтган йилги муваффақиятларимизни куйлайдиган рақамлар ҳам анчагина. Тўрт қаватли ва тўққиз қаватли уй-жой биноларн тиклаш технологияси Тошкент шароитига мослаб анча такомиллаштирилди. 1 миллион сўмдан кўпроқ фойда келтирадиган рационализатор л н к таклифлари ишлаб чиқаришга жорий этилди. Агар қурилиш ишлари бошланган дастлабки вақтларда тўрт қаватли иморатнинг бир қаватини барпо қилиш учун 18 кун сарфланган бўлса, конструкциялар н и н г такомиллаштирилиши, ускуналарнинг ва бинокорлик механизмларининг қувватидан тўла фойдаланиш натижасида кейинчалик бу иш ўн кунда адо этиладиган бўлди.


Тўққиз қаватли иморатлар Тошкент учун янгилик. Шунинг учун ҳам биз ўтган йили бундай кўп қаватли уйлар қуриш технологиясини такомиллаштириш тадбирларини кўрдик. Бунинг учун бир қанча масалаларни бар тараф қилишга тўғри келди. Натижада тўққиз қаватли иморатлар қурилиши ҳам жадаллашиб кетди.

Россия қурувчилари Тошкентни қайта тиклашдан иборат шарафли иш юзасидан олган мажбуриятларини муваффақиятли бажариш учун астойдил ҳаракат қилдилар. Куйбишев, Тула, Москва области, Горький, Новокузнецк бинокорлари ҳаммадан аввал ўз мажбуриятларини бажаришга эришдилар. Улар ўз меҳнатлари билан Ўзбекистон пойтахтида асрлар бўйи қомат ростлаб турадиган уй-эсдаликлар қолдирдилар.

РАССОМ ХАНДАСИ



Сўзсиз сурат. Рассом А. Ҳолиқов.



Чилонзорнинг 26 кварталида янги «Москва» кафеси очилди. СУРАТДА: кафе залида. Л. Глауберзон фотоси.

КЎНГИЛЛИЛАР ҲУЗУРИДА

Физкультура ва спорт тобора ёшларимизнинг севимли машғулотларидан бирига айланиб бормоқда.

Биз кўнгилли «Пахтакор» спорт жамияти мактабида бўлганимизда, у ерда кўпгина талантли теннис спортчиларининг етишиб чиқаётганининг гувоҳи бўлдик. Бу ерда спорт сирларини эгаллаш билан бир қаторда кўплаб шогирдлар етиштираётган спорт мастери Николай Шутов ўз шогирди Илёс Носиров билан машғулот олиб бораётганда суратга туширдик. Ўнгдаги сурат.

Ленин комсомоли номидаги кўл қошида ҳам спортнинг кўпгина турлари намунали машғулот турибди. Пастдаги суратда: 183-мактабнинг 8-синф ўқувчилари В. Понамарев ва С. Малковлар байдаркада машғулот ўтказмоқдалар.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ,
Автор фотолари.



ЧАҚҚОНЛИК ВА ЭПЧИЛЛИК БАЙРАМИ

В. ҚОСИМОВ,
шаҳар Совети ижроия комитети қошидаги физкультура ва спорт комитети раиси

●

Шаҳар физкультурачилари ўз байрамларини спортда эришган улкан ютуқлари билан кутиб олмоқдалар. Улар мавсум давомида кўплаб шаҳар ва республика рекордларини қўйишди, спорт шуҳратини республика ташқарисига ҳам олиб чиқишда муносиб ҳисса қўшдилар. Фақат ярим йил мобайнида спорт мастерлари сони 27, мастерликка кандидат нормативини бажарганлар сони эса 79 спортчи ҳисобига ўсди ва 614 спортчи биринчи разряд олишга муваффақ бўлдилар.

Шаҳримизда 289,495 физкультурачилар бўлиб, улар 366 турли спорт секцияларида машғулот ўтказишади. Улар қуйи физкультура ташкилотларида маҳораталарини ошириб, дастлаб ўз ташкилотларида, сўнгра эса спорт жамиятларида биринчилик учун курашишади. Сўнгра эпчил ва маҳоратли спортчилар шаҳар биринчилигида қатнашишади.

Бу йил пойтахтимиз спортчилари IX Касаба союз ва XI мактаб ўқувчилари Бутуниттифоқ спартакиадаларида қатнашиб, кўпчилик матч учрашувларда ва мусобақаларда шаҳар спортни шарафи учун курашдилар ва яхши натижаларга эришдилар. Ярим йил мобайнида 50 дан ортиқ спорт тадбирлари ва қизғин мусобақалар ўтказилди. Бу улкан эпчилик ва чаққонлик мусобақаларида 30 мингдан ортиқ ҳамшаҳар спортчиларимиз иштирок этдилар.

Яқинда қардош Қирғизистон республикаси пойтахти Фрунзе шаҳрида мамлакатнинг ёш баскетболчилар биринчилигида пойтахтлик спортчиларимиз улкан ютуқни қўлга киритишди. Мамлакатда иккинчи ўринни эгаллашди.

Мактаб ўқувчиларининг XI Бутуниттифоқ спартакиадасида тошкентлик теннисчи Александр Коляскин чемпионлик унвонини олишга мушарраф бўлди. Шунингдек, моҳир спортчи Александр Малишенко 400 метрлик финал югуришда олтин медални қўлга киритди. Шунингдек, у 200 метрлик югуриш дистанциясида ҳам ўз маҳоратини намойиш этиб, кумуш медални ўзи билан бирга Тошкентга олиб келди.

Умуман республикамиз спортчилари ҳам улкан ютуқларни қўлга киритишяпти. Ўтган ўтиздан ортиқ жаҳон, Европа ва Бутуниттифоқ рекордларини қўйишган ҳам шу моҳир спортчиларимизд и р. Шуни алоҳида айтиш керакки, мана шу янги рекордлар қўйилиб, спорт довруғини жаҳон бўйлаб тараттан кўпчилик физкультурачилар тошкентлик ва айни бир пайтда Тошкент шаҳрида ўз маҳоратларини оширишган ёшлардир.

Шаҳримизда спортнинг миллий тури — кураш яна ҳам қизғин давом этмоқда. Яқинда пойтахтлик курашчилар ўртасида биринчилик учун куч синашиш мусобақалари бўлиб ўтди. Фарғонача ва бухороча кураш мусобақаларида АСК (Тошкент), «Буревестник», «Меҳнат резервлари» ва «Динамо» спорт жамиятларининг эпчил курашчилари беллашдилар. Бу қизғин учрашувларда 77 курашчи миллий курашнинг нафис ва чиройли кўринишларини намойиш этишди.

Бугун шаҳардаги спорт базаларида оммавий мусобақалар бўлиб ўтади. Улар ўз байрамлари шарафига қизғин курашлар, спорт мусобақаларини ўтказишиб, эпчиллик ва чаққонлик маҳоратларини намойиш этадилар. Яқинда турар-жой биноларн конторасн спортчиларининг шаҳар биринчилиги учун спартакиадага старт берилган эди. Бу спартакиадага бугун старт финала берилади ва юзлаб спортчилар оммавий разрядлар нормаларини бажарадилар.

Шу куни кечқурун, тун чироқлари порлаганда Эрнест Тельман номидаги маданият ва истироҳат боғида катта спорт байрами бўлиб ўтади.

РАССОМ ТАБАССУМИ



— Йўқол стадиондан!



Ўзидан ошириб урганда...:

И. СУЦКЕВЕР,
расмлари.

Редактор
С. М. ҚАРОМАТОВ.

НИКОЛАЙ НИКИТИН

Кўкон воқеаси

РОМАН

— Ҳеч бундай бўлиши мумкин эмас!— деди дадиллик билан Сашка.— Ҳеч нарса ёзганимиз йўқ. Муллангиз чиндан ҳам бизда бўлди... Кечаси келди...: Ҳозир биз уни чорсуда кўрдик... Катта мачит олдида. Кечагидек қип-қизил хўрозга ўхшаб юрибди.

— Тўхтанг, тўхтанг... Нима деяпсиз?

— Тўхтаги борми? Яхшиси, текширтиринг! У бутун халойиқ кўзи олдида мачитга кириб кетди.

Мустафо елкасини қисди, адютантини чақириб татарча бир нималар деди. Оқ черкаска кийган, қадди-қомати келишган офицер адютант ҳам елкасини қисиб тажанг бўлди ва телефонограмма Мулла Бобонинг отилганлиги жуда равшан айтилган, деб уқтирди. Аммо Мустафо дарҳол аниқ маълумот олишни талаб қилди.

Орага беш минутли сукунат чўкди. Юмшоқ курсида ўтирган Муратов ҳайрон, чунки унги воқеалардан у бехабар эди. Ниҳоят адютант кирди ва саросимага тушиб деди: «Чиндан ҳам Мулла Бобо тирик экан».

Сашка қаҳ-қаҳ уриб кулди:

— Ана, жаноб министр биз ҳақ гапни айтганимизга энди ишонгандирсиз! Сана-май сакқиз деманг-да!

Асло кутилмаган бу хабардан Мустафо эси-ҳушини йиқотиб, Сашканинг қўполлик қилаётганига ҳам эътиоор бермади. Газабдан ранги бўзарио гўё уйнинг иккинчи қаватида юз бераётган бир воқеага қулоқ солаётгандай шиддат, қандайдир тикилиб қолди. Тепадаги ўртоқлари ҳамма воқеадан хабардор эди. У эса барча воқеалардан ҳамиша ҳаммадан кейин воқиф бўлар ва бундан ноёнларча таажжубланарди... Афтидан, юқоридаги жаноблар уйдан яширинча қандайдир ўз иши ни оширио юришибди шекилли. Бу тўнғизвачаларнинг мақсади нима? Нима керак ўзи буларга? Шуларнинг касофати билан бутун иш барбод бўлиши мумкин. Бу аблаҳларнинг ҳаммаси фақат ўз шахсий манфаатини кузлайди, шу йўлда ўзини юз мақомга солади. Афтидан улар Мулла Бобони ўлдига чиқариб бундан фойдаланмоқчи эканлару, аммо у билан тил бириктиришга улгуролмантилар. Мулла эса халққа кўриниш бериб қўйибди...

«Еки Мулла Бобо биздан юз ўгирдимикин? У кўпдан бери ойини қатъиятсизликда айблаб келади. Эҳтимол, энди у мустақил ҳаракат қилмоқчи булгандир. Мана бу аҳмоқлар эса мен билан лоақал гаплашиб олишни ҳам ўзларига эп кўришмапти. Е тавба, бир неча дақиқада шунча воқеа юз берса-я!— ўйлади Мамедов. — Хўш, бўлмаса, бу хат кимнинг напранги экан? Чанишевникими? Ишлар шундай чувалашиб кетдики, ҳеч тушунолмайсан, билолмайсан киши».

Мамедовнинг юзида гайри-табиий назокат аломатлари пайдо бўлди ва у суҳбат мавзуини бошқа томонга буриб юборди.

— Мен русларни севаман,—деди Мустафо.—Мен ҳам кенг ҳуррият тарафдори ва монархизм душманиман. Аммо жаноблар ижтимоий ислоҳотларни сиз қилаётгандек ўтказиш ҳозирги шароитда мушкул. Сизда аҳоли бизникиларга қараганда маданиятлироқ. Биз учун мувофиқ бўлган нарса сизга тўғри келмаслиги мумкин.

— Сизнинг талабингиз нима?— деди унинг сўзини бўлиб Муратов.— У тагин Сашка Мамедовнинг сўзини кесиб қўймасин, деб қўрқди.— Биз уларнинг талабларини ёзиб оламиз, Саша, ёзиб оламиз!

Муратов Лихолетовга имо қилди. Саша юмшоқ инглизча курсида ялпайиб ўтириб олди. Шими чўнтагидан тишланавериб мажаги чиққан қаламини олди-да, министрнинг сўзларини виқор билан ёза бошлади:

«Туркистон мухторият ўлка бўлиши керак. Туркистонда ҳокимият вақтли ҳукуматга, яъни Қўқон мухторияти ҳукуматига топширилмоғи керак. Ерга, ишлаб чиқариш қуроллари ва воситаларига бўлган хусусий мулкчилик даҳлсиз бўлиб қолади. Суд ишлари шариат қоидалари асосида олиб борилиши керак. Хотин-қизлар паранжи ёпинмоқ зарур».

Муратов бу программанинг ҳаммасини табиий деб тушунди. Асло сир бой бермади .У Мамедов айтган сўзларнинг мағзини чақиб ўтиришга уринган ҳам йўқ. Фақат биринчи икки жумла уни ҳайратга солди шекилли, Сашканинг қўлидан қоғозни олди-да. Мустафога ўша пунктларни кўрсатди.

— Бу бизнинг эмас, аҳолининг истаги,— деди елкасини қисиб Муратов.

— Эҳ-ə. Бу аҳолининг истаги денг!— деди Муратов илжайиб.

Эшик ғийқиллаб очилди. Даҳлиздан ҳукуматнинг яна бир аъзоси пахта заводи хўжайини Давидов кириб келди-да, зарда билан Мамедовдан сўради:

— Тугатдингизми?

Мамедов юзини бурушгирди-да, ўтган гапларни тушунтириб берди. Давидов қўлини силтаб ташлади:

— Бас энди! Қанақа талаб у, қанақа сулҳ бўлиши мумкин? Булар ким ўзи?

Муратов темир йўлчилар вомидан берилган мандатни кўрсатди. Давидов қоғозга кўз ташлади-ю, мижиғлади:

— Стрелочниклар билан гаплашишни истамайман. Биз ярашмаймиз ҳам. Тушунарлими?

Муратов бундай тазйиқни кутмаган эди.

— Бундан чиқди,— деди у Давидовга жавобан,—граждан уруши бўлишини истар экансиз-да? Билиб қўйинг-ки, камбағалларингиз ҳам сизнинг тарафдорингиз эмас!

— Сиз бундан ташвишланмай қўя қолинг, жаноб камбағал!— деди дона-дона қилиб Давидов.

Сашка курсидан ирғиб турди-да сакраб Давидов олдига борганини ўзи ҳам сезмай қолди.

— Эй, аждаҳо худога шукур қил, бугун дипломантман... — деди у.

Сашка гиламга, нақ Давидовдан сўради ва 614 спортчи биринчи разряд олишга муваффақ бўлдилар.

Шаҳримизда 289,495 физкультурачилар бўлиб, улар 366 турли спорт секцияларида машғулот ўтказишади. Улар қуйи физкультура ташкилотларида маҳораталарини ошириб, дастлаб ўз ташкилотларида, сўнгра эса спорт жамиятларида биринчилик учун курашишади. Сўнгра эпчил ва маҳоратли спортчилар шаҳар биринчилигида қатнашишади.

Бу йил пойтахтимиз спортчилари IX Касаба союз ва XI мактаб ўқувчилари Бутуниттифоқ спартакиадаларида қатнашиб, кўпчилик матч учрашувларда ва мусобақаларда шаҳар спортни шарафи учун курашдилар ва яхши натижаларга эришдилар. Ярим йил мобайнида 50 дан ортиқ спорт тадбирлари ва қизғин мусобақалар ўтказилди. Бу улкан эпчилик ва чаққонлик мусобақаларида 30 мингдан ортиқ ҳамшаҳар спортчиларимиз иштирок этдилар.

Яқинда қардош Қирғизистон республикаси пойтахти Фрунзе шаҳрида мамлакатнинг ёш баскетболчилар биринчилигида пойтахтлик спортчиларимиз улкан ютуқни қўлга киритишди. Мамлакатда иккинчи ўринни эгаллашди.

Мактаб ўқувчиларининг XI Бутуниттифоқ спартакиадасида тошкентлик теннисчи Александр Коляскин чемпионлик унвонини олишга мушарраф бўлди. Шунингдек, моҳир спортчи Александр Малишенко 400 метрлик финал югуришда олтин медални қўлга киритди. Шунингдек, у 200 метрлик югуриш дистанциясида ҳам ўз маҳоратини намойиш этиб, кумуш медални ўзи билан бирга Тошкентга олиб келди.

Умуман республикамиз спортчилари ҳам улкан ютуқларни қўлга киритишяпти. Ўтган ўтиздан ортиқ жаҳон, Европа ва Бутуниттифоқ рекордларини қўйишган ҳам шу моҳир спортчиларимизд и р. Шуни алоҳида айтиш керакки, мана шу янги рекордлар қўйилиб, спорт довруғини жаҳон бўйлаб тараттан кўпчилик физкультурачилар тошкентлик ва айни бир пайтда Тошкент шаҳрида ўз маҳоратларини оширишган ёшлардир.

Шаҳримизда спортнинг миллий тури — кураш яна ҳам қизғин давом этмоқда. Яқинда пойтахтлик курашчилар ўртасида биринчилик учун куч синашиш мусобақалари бўлиб ўтди. Фарғонача ва бухороча кураш мусобақаларида АСК (Тошкент), «Буревестник», «Меҳнат резервлари» ва «Динамо» спорт жамиятларининг эпчил курашчилари беллашдилар. Бу қизғин учрашувларда 77 курашчи миллий курашнинг нафис ва чиройли кўринишларини намойиш этишди.

Бугун шаҳардаги спорт базаларида оммавий мусобақалар бўлиб ўтади. Улар ўз байрамлари шарафига қизғин курашлар, спорт мусобақаларини ўтказишиб, эпчиллик ва чаққонлик маҳоратларини намойиш этадилар. Яқинда турар-жой биноларн конторасн спортчиларининг шаҳар биринчилиги учун спартакиадага старт берилган эди. Бу спартакиадага бугун старт финала берилади ва юзлаб спортчилар оммавий разрядлар нормаларини бажарадилар.

Шу куни кечқурун, тун чироқлари порлаганда Эрнест Тельман номидаги маданият ва истироҳат боғида катта спорт байрами бўлиб ўтади.

(Давоми. Бошн газетанинг 178, 179, 180, 181, 182, 183, 184-сонларида).

(Давоми бор).

РАДИО

9 август

ШАНБА

ФИЗКУЛЬТУРАЧИЛАР КУНИ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 Ўзбекистон радиоси халқ чолғу оркестрининг концерти. **18.40** «Физкультура ва спорт — оммага» (Ўзбекча). **19.20** Ишлаб қўшиқлари. **20.00** «ЛЕНИННОМА» программаси (Ўзбекча). **20.40** Ўзбек балетларидан парчалар. **21.00** «Қардош коммунистик партиялар ҳаётидан» (Ўзбекча). **21.10** Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт. **22.20** М. Исомиддинов ва Ш. Аҳмедова ижросида қўшиқлар. **23.10** Дам олиш концерти.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

19.00 Ҳажвий ҳикоялар (Ўзбекча). **19.30** «Олов қалбли киши» деган радиоочерк (русча). **20.00** Шашмақомдан парчалар. **20.30** Озарбайжон куйлари. **21.00** Концерт. **21.40** Винокорлар кунига бағишланган эшиттириш ва концерт (татарча).

10 август

ЯКШАНБА

БИНОКОРЛАР КУНИ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

6.15 Тонгги концерт. **7.45** «Мактаб ва жамоатчилик» деган эшиттириш (Ўзбекча). **8.25** Лирик концерт. **9.30** Шарқ куйлари. **10.10** «ТАБАССУМ» радиожурнали. **11.35** Шаҳарлар ҳақида қўшиқлар. **12.15** «Эрталабки салом!» (Москва). **13.30** Винокорлар учун санъат усталари ижросида концерт. **15.00** «Улкан қурилишлар йили» (русча). **15.10** «Винокорлар ленинча вахтада» (Ўзбекча). **15.20** Винокорларнинг талабларига мувофиқ концерт. **17.40** Экран янгиликлари.

18.00 «Мусиқали глобус» (Ўзбекча). **18.40** Эстрада концерти. **19.20** Дўстлик қўшиқлари. **20.00** «Ёшлик» радиостанциясининг программаси. **20.40** Халқ талантлари концерти. **21.00** «Мамлакат ва қитъалар» (Ўзбекча). **21.10** Пахтакорлар учун концерт. **22.20** «Табассум радиожурнали. Тақрорий эшиттириш. **23.20** «Хайрли кеч» деган концерт.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 Спорт қўшиқлари ва маршлари. **9.15** Реклама ва эълонлар. **19.00** Москва. Халқаро шарҳловчилар даврасида. **19.30** Классик куй шинавандалари учун концерт. **20.00** «Юность» радиостанциясининг программаси (Москва). **21.00** Дам олиш концерти. **21.30** Футбол. «КРИЛЬЯ СОВЕТОВ»— «ПАХТАКОР». Куйбишев шаҳридан олиб эшиттирилади.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

13.00 С. Бобоев. «Ҳамза» операсининг монтажи. **14.30** И. Раҳим. «Ҳилола» повести асосида радиоинсценировка. **16.00** «Ленинном» программаси. **16.30** Д. Пуччининнинг «Плашч» ва Жанни Скикки» номли бир пардали опералари. **18.00** «Табассум» радиожурнали.

ТЕЛЕВИЗОР

9 август

ШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 18.10 «Сакиз денгиз ва икки океан ошиб». Ҳужжатли фильм. **18.30** «ЁШЛИК» студияси кўрсатади. «Газалхон ёшлигим». **19.30** Телевизион янгиликлар. **19.45** «Эстрада шиналарвандалари, сизлар учун!» **20.25** Кўрсатувлар программаси.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

20.30 Совет ва чет эл кўп серияли телефильмлари фестивали. «Яширин фронт» (1-серияси). **21.00** Рангли телевидение программаси. СССР касаба союзлари Бутуниттифоқ ёзги 9-спартакиадасининг тантанали очилиши олиб кўрсатилади. **21.30** Футбол бўйича СССР биринчилиги. «СПАРТАК»— «НЕФТЧИ» (Боку). **24.00** Ленинизм — замонамиз байроғи. **00.30** Рангли телевидение программаси. **02.00** Фильм-концерт. **03.00** Кўрсатувлар программаси. **03.05** Москва кўрсатувларининг охири.

10 август

ЯКШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

9.55 Кўрсатувлар программаси. **Ўзбек тилида: 10.00** Гимнастика ҳамма учун. **Рус тилида: 10.20** Болалар учун. «Баланд тепа». Мультфильм. **10.40** «Адмирал Ушаков». Бадиий фильм. **Ўзбек тилида: 12.20** «Лагерда спорт байрами». Эшиттириш Самарқанд шаҳридан олиб кўрсатилади. **13.20** Болалар учун. «Кузнок минутлар» **16.55** Кўрсатувлар программаси. **17.00** «Ахборот» информацион программаси (рус тилида). **17.30** «ЁШЛИК» студияси кўрсатади. Телевизион миниатюралар театри. **18.20** «Олтин бузоқча». Бадиий фильмнинг 1-сериями (рус тилида). **Ўзбек тилида: 19.35** «Ахборот» информацион программаси. **20.05** Терим агрегатлари шай бўлсин! **20.30** Винокорлар кунига бағишланган эшиттириш (Ўзбек ва рус тилларида).

МОСКВА КЎРСАТАДИ

22.30 Рангли телевидение программаси. Футбол бўйича СССР биринчилиги. «ТОРПЕДО» (Москва)— «ДИНАМО» (Киев). Танаффус вақтида янгиликлар. **00.15** «Етти кун». Халқаро программа. **01.00** Москва кўрсатувларининг охири.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА МОСКВА КЎРСАТАДИ

12.00 Болалар учун эрталабки гимнастика машғулоти. **12.15** Янгиликлар. **12.30** Ўқувчилар учун. «Будильник». **13.00** Мусиқали киоска. **13.30** Ўқувчилар учун шахмат-шашка клуби. **14.30** Тасвирий санъат ҳақида эшиттириш. **15.00** Ўқувчилар учун. «Дўстларимиз саломи». **15.45** «Новости дня» киножурнали. **16.00** Қишлоқ янгиликлари.

17.00 Н. Чернишевский. «Бўтқа соҳибаси». Телеспектакль премьераси. **18.30** Винокорлар кунига бағишланган эшиттириш. **19.30** Совет Армияси ва Флоти жангчилари учун. Эшиттириш Тошкентдан олиб кўрсатилади. **20.00** Рангли телевидение программаси. Киносаёҳатчилар клуби. **21.00** Совет ва чет эл кўп серияли телефильмлари фестивали. «Яширин фронт» (2, 3, 4-серияларн).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ

Рус тилида: 17.00 Экран — болаларга. **17.20** «Ҳа ва йўқ». Кинокомедия. **18.35** Қурувчилар, сизлар учун! Концерт. **19.10** Телефильм. **20.00** Кўрсатувлар программаси.

Қирғиз тилида: 20.05 Адабиёт янгиликлари. **20.40** Шаҳар оҳанглари. Телефильм. **21.20** Мусиқали танаффус. **21.25** Кўрсатувлар программаси.

ТЕАТР

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА— 10[VIII да Ажаб савдолар, 11[VIII да Тошболта ошиқ.

Кино

9 АВГУСТДА
ҚИШКИ БИНОДА

Тайга хўжайини — «ЧАЙКА» САНЪАТ САРОЙИ (кечқуруи).

Жазоловчи —«ЎЗБЕКИСТОН», «МОСКВА», «ДРУЖБА» (тоқ соатларда), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЙЛЛИГИ» (кечқуруи).

Берлин томон йўл (кеч соат 8 да), Оскар (кеч 6 ва 9.45 минутда)— «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ».

Қор аёл ҳақида афсона — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЙЛЛИГИ» (кечқуруи).

Сокин кварталдаги қотиллик— «ВОСТОК» (кечқуруи).

Жижжанинг жангговор араваси —«ДРУЖБА» (жуфт соатларда).

ЕЗГИ БИНОДА

(кеч соат 9 ва 10.40 минутда бошланади).

Райк болалари — «ФЕСТИВАЛЬ».

Берлин томон йўл — «ХЕВА».

Қор аёл ҳақида афсона — ТЕЛЬМАН номли.

10 АВГУСТДА
ҚИШКИ БИНОДА

Жазоловчи — «ЎЗБЕКИСТОН», «МОСКВА», «ДРУЖБА», (тоқ соатларда), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЙЛЛИГИ» (кундуз ва кечқуруи).

Тайга хўжайини — «ЧАЙКА», САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқуруи).

Берлин томон йўл (эрталаб соат 10, кундуз 12, 4 ва кеч 8 да), Оскар (кундуз 2, кеч 6 ва 9.45 минутда)— «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ».

Қор аёл ҳақида афсона — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЙЛЛИГИ» (кундуз ва кечқуруи).

Тош бағридаги достон (Ўзбек тилида)— НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқуруи).

Сокин кварталдаги қотиллик — «ВОСТОК» (кундуз ва кечқуруи).

Жижжанинг жангговор араваси —«ДРУЖБА» (жуфт соатларда).

Райк болалари — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 1 яримда).

ЕЗГИ БИНОДА

(кеч соат 9 ва 10.40 минутда бошланади).

Райк болалари — «ФЕСТИВАЛЬ».

Берлин томон йўл — «ХЕВА».

Қор аёл ҳақида афсона — ТЕЛЬМАН номли.

САНЪАТ САРОЙИДА
11 августдан
янги, рангли, кенг форматли
„ҚИЗЛАРНИ ЎҒИРЛАШ“
бадиий фильми
НАМОЙИШ ҚИЛИНАДИ

«Бухарест» (Руминия) кинотудияси маҳсулоти.

Сеанслар эрталаб соат 11, кундуз 1,5 ярим ва кеч 9.15 минутда бошланади.

Коллектив бўлиб кўриш учун заявкалар қабул қилинмоқда.

Сарой залида кондицион қурилма ишлайди.

4-20-34, 4-21-74 телефонлари орқали мурожаат қилинсин.

Тошкент шаҳар, Куйбишев районидаги генерал Петров номли 148-мактаб томонидан Зайнабутдинов Алишер номига берилган 046075-сонли йўқолган

УРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ

бекор қилинади.

Тошкент оқшоми 4 бет. 9 АВГУСТ, 1969 й.

«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ» орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳар Дзержинский кўчаси, 15-уй, Редакция телефонлари, Коммутатор—33-02-49 дан 33-02-58 гача, редактор ўринбосарлари 33-29-33, 33-29-09, масъул секретарлар—33-27-22, партия совет ва касаба союз ташкилотлари, шаҳар хўжалиги бўлимлари 33-29-42, адабиёт санъат ва маданият бўлими 33-29-55, хатлар ва оммавий ишлар, 33-29-70, фан ва олий ўқув юртлари, иллюстрация бўлимлари 33-27-57, саноат, транспорт, қурилиш бўлимлари —33-27-03, ахборот бўлими—33-65-57, эълонлар бўлими —33-81-42.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриёти нинг босмахонаси Тошкент шаҳри

Индекс 64579.

НАШР 2820 Р. 04576